

ТИЛШУНОСЛИҚДА ИНСОН ХАРАКТЕРИ ВА ЭМОЦИЯЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР

Каримова Лейла Арсен қизи

Ўзбекистон Миллий университети

Лингвистика (француз тили) мутахассислиги 2 босқич талабаси.

Аннотация: Фразеологик ибораларни шакллантиришда экстралингвистик омиллар муҳим аҳамият касб этиб, бундай омилларга турли хил эътиқодлар, хурофотлар, табулар; инсоннинг кўриниши, унинг асосий фаолияти, тажрибалари, бошқалар билан муносабатлари, турли ҳайвонлар билан боғлиқ рамзлар, уруш ҳамда овчилик, ўйинлар, черков ва диний эътиқодлар, адабиёт, сиёсий ва ижтимоий ҳаёт, мамлакат тарихи, инсон характери ва эмоциялари каби омиллар киради. Мазкур мақолада инсон характери ва эмоцияларини ифодалайдиган фразеологик иборалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фразеология, фразеологик бирлик, этимология, метафора, тил бирликлари, эмоция, характер.

Аннотация: В формировании фразеологических выражений важное значение имеют экстралингвистические факторы, с которыми связаны различные верования, суеверия и табу; такие факторы, как внешний вид человека, его основная деятельность, переживания, взаимоотношения с другими людьми, символы, связанные с различными животными, войной и охотой, играми, церковными и религиозными верованиями, литературой, политической и общественной жизнью, историей страны, человеческими характер и эмоции. В данной статье анализируются фразеологические выражения, выражающие человеческий характер и эмоции.

Ключевые слова: фразеология, фразеологизм, этимология, метафора, языковые единицы, эмоция, характер.

Abstract: Extralinguistic factors are important in the formation of phraseological expressions, and various beliefs, superstitions, and taboos are related to such factors; factors such as the appearance of a person, his main activities, experiences, relationships with others, symbols associated with various animals, war and hunting, games, church and religious beliefs, literature, political and social life, the history of the country, human character and emotions. This article analyzes phraseological expressions that express human character and emotions.

Keywords: phraseology, phraseological unit, etymology, metaphor, language units, emotion, character.

Аксарият фразеологик иборалар инсон характерини, уларнинг хис- ҳаяжонлари, ҳамда уларнинг рухий ҳолатини ифодалайди.

“Т.З.Черданцеванинг фикрича, “тилнинг луғавий захирасида халқнинг маданий тажрибаси сақланиб қолади”, “тил фақат алоқа воситасигина эмас, балки миллатнинг маданий тарихидир” деб таъкидлайди.

Н.Г.Барагина фразеологияни ва “тарихий хотира”ни ягона тадқиқот майдонида ва биринчи ўринга жойлаштириш кераклигига ишонтаради, шунга кўра тарихшунослар

услужбияти, услубий тили ва файласуфлар хотирасини тилшунослик тилига таржима қилиши мумкин”.

Н.Г.Брагинанинг таъкидлашича, “тасаввурлар, сиёсий рамзлар, мифологиянинг шакллари ва усуллари билан боғлиқ бўлган турли хил жамоавий хотирани ўрганиш ички бирлик шаклларида тилшунослик таҳлилини, уларнинг этимологиясини, метафоризация жараёнларини, тил бирликларининг мажозий асосини қайта тиклаш билан бир хилдир”

Француз тилида инсон характерида ифода қилинган бундай иборалар кўп. Масалан, **“bailer comme une huitre”** ибораси таржимада “чиғаноқ каби эснамоқ, оғзини очмоқ” маъносида ишлатилса, ибора сифатида “оғзи катта” тарзида қўлланилади. Ўзбек тилида “оғзи катта” ибораси бойларга нисбатан ишлатилади, яъни *“бу замонда ким бой бўлса, унинг оғзи катта, тили узун”*.

Ундан ташқари “оғзи катта” ибораси “ҳеч кимни менсимасик” маъносида ҳам ишлатилади. *“Отасининг давлати, катта оғиз, ҳовлиқма ва такаббур онасининг эркалаши қўшилиб, қизга ортиқча гурур берган, ҳаракатларига ўзбошимчалик, қилиқларига ноз-карашма бағишлаган эди.*

Француз тилида чиғаноқ номи билан ишлатилган бир нечта фразеологик иборалар мавжуд бўлиб, турли маъноларда қўлланилади. Масалан, **“jouer comme une huitre”** иборасининг маъноси “чиғаноқ каби ўйнамоқ” маъносини англатса, том маънода “якин дўст, чин дўст, вафодор” маъносини ифода этади. Чунки, ҳаммамизга маълумки, мазкур жониворнинг устки қаватида танасига ёпишиб турган махсус қатлами мавжуд бўлиб, ибората чиғаноқ сўзи ишлатилган. Француз тилида чиғаноқ сўзи кўпроқ “вафо”, “садоқат” рамзи ҳисобланади. Ўзбек тилида эса вафодор сўзини таърифлашда айнан ит сўзи ишлатилган. **“Ит – вафо, хотин – жафо”** ибората қийналган пайтингда ёнингдаги ёринг ҳам ташдаб кетади, аммо итинг ҳар доим садоқат билан хизмат қилиши ифодаланган.

В.Г.Гакнинг таъкидлашича, фразеологик бирликларнинг маданий ўзига хослиги маълум жамиятнинг моддий ёки маънавий маданияти элементлари, унинг тарихи, эътиқоди, урф-одатлари, табиий ва географик шароити боғлиқлиги билан белгиланади. 195 Масалан, французлар сўзлашувда **“avoir les oreilles dans le sens de la marche”** иборасини жуда кўп ишлатишади. Мазкур ибора “керакли нарсани кулоғига ўргатиш” маъноларида ишлатилади. Ушбу фразеологик бирликка бошқа кўплаб шу турдаги иборалар якин маъноли бўла олади, мисол учун **“avoir les oreilles face à la route”**, **“avoir les oreilles en feuilles de chou”** кабилар.

Ю.С.Степанова ва В.В.Катерминаларнинг таъкидлашича, “халқнинг маданий концептида инсон образи асосий ўринни эгаллашини, топонимлар миллий-маданий ўзига хосликни намоён этиб, инсоннинг жамият, жамиятнинг инсон билан узвий алоқасини кўрсатишда муҳим роль ўйнайди” деб айтишади.

Т.Скоробогатованинг фикрича, “топонимлар таркибида ибораларга хос маданий-тарихий ўзига хослик мавжуд, чунки улар халқнинг тарихини, ушбу ҳудуднинг жойлашиш ва ривожланиш тарихини акс эттиради”. Унинг фикрича, кимёнинг энг яхши навлари Кермонда ишлаб чиқарилганлиги, Ҳалаб (Ҳалеб) – Суриянинг шиша ишлаб чиқарадиган вилояти, Хузистон эса шакар ишлаб чиқарадиган Эрон вилояти. Хўтан – Туркистоннинг Шарқий қисмидаги тарихий шаҳар бўлиб, мукаммал мушк билан машхур.

Бизнинг фикримизча топонимлар лингвистик маданий доминант сифатида фразеологияда миллий-маданий компонент вазифасини бажаради, муайян миллат тил

бирлигининг характерли белгиларини, миллатнинг яшаш шароити, кадриятлари, одатларини намоён қилади. Француз тилида топоним компонентли фразеологик бирликлар кўп бўлиб, иборалар жой номлари орқали қўлланилган. Масалан, “*être volé comme dans une forêt de Bondy, être volé comme dans une forêt de Bondy* кабилар.

Фразеологик бирликлар таркибидаги сўз ўйинлари кўпроқ эстетик жараёнларда, инсон характерини англатувчи жонкуярлик, ноинсонийлик, бойлик, очкўзлик хислатларини наср ва назм орқали ифодалашда ишлатилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

1. Bologne J. Qui m'aime me suive. Dictionnaire commente des allusions historiques. – Paris: “Larousse”, 2007. – 174p.
2. Дубин Б. Советский и постсоветский исторический роман: герои, поэтика, социальные функции. – М.: “Изд. дом ГУВШЭ”, 2005. – С.
3. Мокиенко В. Образы русской речи: историко-этимологические очерки фразеологии. – М.: “Наука”, 2007. – 464 с.
4. Chartier R. Lectures et lecteurs dans la France d'Ancien regime. – Paris: “Editions du Seuil”, 1987. – P 204.
5. Шомақсудов Ш., Долимов С. Қайроқи сўзлар. –Т.: 2018. – Б. 159.